

# ЗАМОНАВИЙ КОРХОНА РАҚОБАТДОШЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ТАШКИЛИЙ-БОШҚАРУВ ЖИҲАТЛАРИ

*Катта ўқтувчи: Файзиева Сайёра Аннамурадовна*

*Узбекистон, Бухоро шаҳар, Бухоро Давлат Университети*

**Abstract.** Modern business unit practices shows that without using effective mechanisms for managing the competitiveness of businesses and organizations can't carry on active competition on the market. This, in turn, gives rise to the need for continuous introduction of new flexible ways of adapting to changes in the market and applies theoretical, methodological criteria of competitiveness management. Nowadays, basic elements of competitiveness are product quality and price, while price competition is slowly beginning to give their place to competition on product quality. In our opinion there are three steps to achieve a high degree of competitiveness, 1) Operational competitiveness - through the effective use of available resources; 2) Tactical competitiveness-expansion of resources through investment; 3) Strategic competitiveness- high achieving technological competitiveness through innovation. At the strategic level management achieve strategic competitiveness and performed the function of stable growth of business value. To achieve high competitiveness, we came to the conclusion that it is necessary support stability organization processes, introduction of new management structures and increase flexibility to develop a mechanism of self-regulation, the reduction of production costs and the development of alternative principles of pricing.

**Keywords:** competitiveness, organizational and managerial criteria, operative competition, tactical competition, strategic competition.

Хўжалик юритишнинг бугунги амалиёти шуни кўрсатадики, рақобатдошликини бошқаришнинг самарали механизмларидан фойдаланмасдан туриб, корхона ва ташкилотлар бозорда фаол рақобат курашига кириша олмайдилар. Бу эса ўз навбатида рақобатдошликини бошқариш, шунингдек ўзгарувчан бозор шароитига мослашишнинг усуслари ва стратегияларининг назарий ва услубий жиҳатларини доимий тадқиқ этиб бориш заруритини келтириб чиқаради.

Бозорга таклиф этилаётган маҳсулотлар ёки хизматлар рақобатдошлиги корхона бошқарув тизимининг тезкор даражасида бевосита маҳсулот, тактик ва стратегик даражаларида эса корхона рақобатдошлигини бошқаришнинг қай даражада ташкил этилганлигига боғлиқдир.

Корхонанинг рақобат устунлиги истеъмолчилар томонидан маҳсулот ва хизматларга кўйиладиган сифат ва харид баҳосининг оқилона нисбати билан таъминланади. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, маҳсулотнинг сотиш баҳоси уни ишлаб чиқариш харажатларини қоплаш билан бирга корхонага даромад олиб келиши ҳамда сифатнинг ўзгарувчан бозор талабларига мослашувчанлигини таъминлаши лозим. Бу эса, бозорда ўз ўрнини топиш ва бунинг учун мўлжалдаги натижаларга (сотиш ҳажми, даромад, фойда) эришишга йўналтирилган стратегик қарор қабул қилишни талаб этади. Тезкор ва қисқа муддатлар учун қабул қилинадиган бошқарув қарорлари мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари хисобига, истиқболга қаратилган қарорлар эса корхона қувватини ошириш, янги ресурсларни жалб қилиш хисобига рақобат устунликларига эга бўлишга қаратилади.

Замонавий шароитларида рақобатдошлигининг мажмуавий таснифи асосан маҳсулот баҳоси ва сифати билан белгиланиб, рақобатдошликини базавий элементларини ташкил этади.

Бугунги кунда бозорда баҳоли рақобат ўз ўрнини аста-секин сифат курашига бўшатиб бермоқда<sup>1</sup>.

Илмий адабиётлардаги шарҳлар ва муаммоларнинг таҳлили натижасида рақобатдошликини оширишнинг базавий стратегиялари ва унга эришиш вазифаларини шакллантириш мумкин (1-расм).

<sup>1</sup> Минько Э.В. Качество и конкурентоспособность / Э.В. Минько, М.А. Кричевский. – СПб. : Питер, 2004. – 268 с.

Изланишларимиз шуни күрсатадыки, ҳар қандай хўжалик юритиш субъектининг рақобат устунлиги икки асосий омил: ресурслар ва технологик омиллар таъсири остида шаклланиб, базавий стратегияга эришиш вазифаларини адо этиш ҳам айнан ушбу омиллар билан қай даражада таъминланганликка боғлиқдир.

Айрим иқтисодчилар томонидан корхона бошқарувининг тезкор даражасида маҳсулот рақобатдошлиги таъминланса, тактик даражада корхона рақобатдошлиги ва стратегик даражада корхона қийматини оширишга эришилиши таъкидланади<sup>2</sup>.



Расм. 1. Корхона рақобат устунликларига эришишининг базавий стратегияси вазифалари<sup>3</sup>

Фикримизча, рақобатдошлика эришиш асосан ўзаро узвий боғлиқ уч босқичдан иборат бўлиб (2-расм), бошқарув тизимининг турли даражаларида қабул қилинадиган қарорлар ҳам уларга монанд равишда амалга оширилади.

Бошқарувнинг тезкор даражасида талаб этиладиган рақобатдошлик кўрсаткичларига корхона ўз ихтиёридаги моддий, номоддий ва меҳнат ресурсларини шакллантириш ва улардан самараали фойдаланиш ҳисобига эришилса, тактик даражада ахборот базасини кенгайтириш, фан-техника ютукларини жорий этиш ҳамда инвестициялар киритиш ҳисобига ресурсларни янгилаш ёки сифатини оширишга эришади.

Бошқарувнинг стратегик даражасида стратегик рақобатдошлика эришиш ва бизнес қийматини муттасил равишда ўстириб бориш вазифаси амалга оширилади. Бунда

<sup>2</sup> Мазилкина Е.И., Паничкина Г.Г. Управление конкурентоспособностью/Учебное пособие. –М.: Омега-Л, 2009, 328 с.

<sup>3</sup>Муаллифлар ишланмаси

инвестициялар инновацион жараёнларга киритилиб, технологик рақобатдошлик устунлигига эришиш таъминланади. Инновациялар ҳам ишлаб чиқариш, ҳам ташкилий-бошқарув жараёнларига мутаносиб равишда жорий этилиши лозим.



Расм. 2. Рақобат устунликларига эришиш босқичлари<sup>4</sup>

Хулоса қилиб айтганда, корхона рақобатдошлиги бошқарувида юқорида кўрилган ташкилий жарёнларни мувофиқлаштириш ва уйғунлигини таъминлаш марказий масалалардан бири ҳисбланиб, у бошқарувнинг янги тузилмасини жорий этиш ва унинг қайишқоқлигини ошириш; ўз ўзини тартибга солиш механизмини ривожлантириш; баҳо белгилашнинг мақбул тамойилларини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқариш харажатларни қисқартириш; бозор талаби ва эҳтиёжларига жавоб берувчи ташкилий тузилмани шакллантириш; инновациявий фаолликни рагбатлантириш; истеъмолчиларнинг талаб ва эҳтиёжларини тўлароқ ўрганиш ва баҳолаш имконини беради.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Минько Э.В. Качество и конкурентоспособность / Э.В. Минько, М.А. Кричевский. – СПб. : Питер, 2004. – 268 с.
2. Мазилкина Е.И., Паничкина Г.Г. Управление конкурентоспособностью/- Учебное пособие.- М, Омега-2009
3. Қодиров Т.У. Автомобиль транспорти рақобатдошлиги: ташкилий-иқтисодий механизmlар. Монография. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2013. 256 б.

<sup>4</sup>Муллифлар ишланмаси